

**Юридик шахсларга суюлтирилган газ етказиб бериш юзасидан
ШАРТНОМА**

“05” Деквар 2022 й. 15 -сон Аурош тумани (шаҳри)

“Худудгаз Навоий” ГТФ (кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб юритилади), Низомига асосан иш юритувчи бош директори _____ бир тарафдан, Нуров Ширинбек _____ (корхона номи)
(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) Нуров Ширинбек _____ иккинчи
(низом ёки устав)
тарафдан, ушбу шартномани куйидаги мақсадларда туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. “Етказиб берувчи” маиший газ баллонларда суюлтирилган углеводород газини (кейинги ўринларда “суюлтирилган газ” деб юритилади) “Аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш шаҳар (туман) участкаси” орқали етказиб бериш, «Истеъмолчи» эса суюлтирилган газни маиший эҳтиёжи учун фойдаланишга қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

II. Етказиб бериладиган суюлтирилган газ сифати ва миқдори

2.1. “Етказиб берувчи” суюлтирилган газ сифатини 20448-80 давлат стандарти талабларига мос равишда таъминлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2.2. “Етказиб берувчи” томонидан “Истеъмолчи”га бир ойда 200 кг. маиший газ баллонларда суюлтирилган газни шартномада ва буюртманоманда белгиланган муддатларда етказиб берилади. 1 кг. суюлтирилган газ баҳоси 1120 сўмни ташкил этади.

2400 кг x 1120 = 2688000 (Икки миллион олти юз саксон саксон) сўм.
Етказиб бериладиган суюлтирилган газ миқдори баланс ресурслари доирасида белгиланади.

III. Тарфларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. “Етказиб берувчи” ҳуқуқлари:

а) “Истеъмолчи” томонидан мазкур шартноманинг 3.4 банди а, в, д, е, з кичик бандлари талаблари бажарилмаган тақдирда тегишли далолатнома расмийлаштирган ҳолда суюлтирилган газ беришни тўхтатиш;

б) “Истеъмолчи”дан суюлтирилган газдан фойдаланишда амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига амал қилишни талаб қилиш.

3.2. “Етказиб берувчи” мажбуриятлари:

а) суюлтирилган газни тасдиқланган графикларга асосан ўз вақтида етказиб бериш;

б) “Истеъмолчи”га ўрнатилган тартибда суюлтирилган газдан фойдаланиш тартиблари тўғрисида тушунтириш (инструктаж) ишлари олиб бориш;

в) суюлтирилган газ билан тўлдирилган маиший газ баллонни лойиҳа асосида ўрнатиб бериш;

г) навбатдаги техник кўригдан ўтказилмаган маиший газ баллонларга суюлтирилган газ тўлдирмаслик ва ундан фойдаланишга йўл қўймаслик;

д) мувофиқлик сертификати бўлмаган резинаткали шланглар билан маиший газ баллонни уламаслик;

е) “Истеъмолчин”нинг талабномаларини ўз вақтида сифатли бажариш;

ж) суюлтирилган газни ишлаб чиқарувчи заводлар қисман тўхташи ёки умуман тўхтатилиши ҳақида маълумот олингандан сўнг, ўн кун муддатда ичида “Истеъмолчи”ни хабардор қилиш;

з) суюлтирилган газ билан тўлдириб келиш учун “Истеъмолчи”даги мавжуд бўш газ баллонларни юклаб кетиш;

и) маиший газ баллонларни ташишда амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига амал қилиш;

й) газ ускуналарини белгиланган тариф бўйича ҳақ эвазига бир йилда бир маротаба техник кўриқдан ва уч марта жорий созлашдан ўтказиш;

к) “Истеъмолчи”дан келиб тушган газ ускуналари ва маиший газ баллонидаги носозликлар тўғрисидаги хабарномани дарҳол махсус журналда қайд этиб, бартараф этиш чораларини кўриш;

л) носозликлар бартараф этилганлиги тўғрисида “Истеъмолчи” билан ўзаро далолатнома тузилиш ва ушбу далолатномани 3 йил давомида сақлаш.

3.3. “Истеъмолчи”нинг ҳуқуқлари:

а) “Ўтказиб берувчи” томонидан ўтказиб берилмаган суюлтирилган газ сифатини амалдаги талабларига мос равишда ўтказиб берилишини талаб қилиш;

б) зарур сифатга мувофиқ бўлмаган суюлтирилган газ ўтказиб берилганда шартномада белгиланган сифатдаги суюлтирилган газни “Ўтказиб берувчи”нинг ҳисобидан ўтказиб берилишини талаб қилиш;

в) зарур сифатга мувофиқ бўлмаган ҳолда ўтказиб берилган суюлтирилган газ қабул қилишни рад этиш;

г) “Ўтказиб берувчи”дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида ўтказилган зарарнинг қопланишини талаб қилиш.

3.4. “Истеъмолчи”нинг мажбуриятлари:

а) газдан фойдаланиш ускуналари ва маиший газ баллонни ўрнатиш жойини белгиловчи лойиҳа ва эскизга эга бўлиш;

б) газ ускуналари техник кўриқдан ўтказилганлиги учун белгиланган тарифлар асосида тўловларни амалга ошириш;

в) газ ускуналари ва маиший газ баллондан хавфсизлик қоидаларига амал қилган ҳолда фойдаланишни таъминлаш;

г) газ ускуналари ва маиший газ баллон ўрнатилган хонада газ ҳиди сезилганда, газдан фойдаланишни дарҳол тўхтатиш чораларини кўриш, хонани шамоллатиш ва зудлик билан “Ўтказиб берувчи” га хабар бериш;

д) газ ускуналари ва маиший газ баллонни ҳамда дудбурунларни амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида соз ҳолатдалигини таъминлаш;

е) “Етказиб берувчи” вакиллари (тасдиқловчи гувоҳнома кўрсатган ҳолда) газ ускуналари ва маиший газ баллонни кўриқдан ўтказиш учун киришларига тўскинлик қилмаслик;

з) суюлтирилган газдан белгиланган мақсадларда тежамли фойдаланиш;

IV. Ҳисоб-китоб тартиби

4.1. Истеъмолчи етказиб берилган суюлтирилган газ учун олдиндан камида _____ фоиз миқдорда ҳақ тўлайди. Суюлтирилган газни қабул қилингандан кейин _____ кун давомида якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Суюлтирилган газ учун тўловлар республикада белгиланган ягона нарх асосида амалга оширилади. Белгиланган нархи ўзгарганда ҳисоб-китоблар янги нархлар бўйича амалга оширилади.

4.2. Тўловлар пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

4.3. “Истеъмолчи” томонидан тўловни амалга оширганлиги тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан сўнг суюлтирилган газ етказиб берилади.

V. Шартноманинг амал қилиш муддати

5.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан кучга киради ва 1 йил муддатгача амал қилади.

Шартноманинг муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ҳақида мувожаат қилмаса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

5.2. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тарафларнинг келишувига асосан тасдиқланган ҳужжат асосида расмийлаштирилади.

VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Тарафларнинг бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарар миқдорини қоплайди.

6.2 Мазкур шартнома бўйича етказиб берилган суюлтирилган газ учун тўловлар амалга оширилмаганда ёки ўз вақтида амалга оширилмаганда “Истеъмолчи” кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,5 % миқдорда пеня тўлайди, бунда пеня кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ошмаслиги керак.

6.3. “Етказиб берувчи” шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаганда, ёки лозим даражада бажармаганда, мажбуриятлар бажарилиши кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган мажбуриятлар қийматининг 50 фоиздан ошмаслиги керак.

6.4. Неустойкани тўлаш тарафларни бир-бирига етказилган зарар ва бой берилган фойдани қоплашдан ҳамда шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги амалдаги қонунчилик асосида ҳал этилиши мумкин.

VII. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)

7.1. Тарафлардан бири шартномани энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

7.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи энгиб бўлмайдиган куч ҳолатларининг (форс-мажор) бошланиши ва тугаши тўғрисида тарафлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

7.3. Шунингдек, суюлтирилган газни қайта ишлаш корхоналарида қутилмаган авариялар содир бўлган вақтда етказиб берилган суюлтирилган газ учун “Етказиб берувчи” жавобгар бўлмайди.

VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

8.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қоидага кўра мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Тарафлар ўзаро келиша олмаган тақдирда, келишмовчилик ва низолар суд тартибида ҳал қилинади.

8.2. Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар қонунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибида ҳал қилинади.

IX. Яқуний қоидалар

9.1. Шартномага тарафларнинг келишуви билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилади ва тарафларнинг бунга зарур даражада ваколатли вакиллари томонидан имзоланади.

9.2. Шартнома икки нусхада тузилади ҳамда тарафларнинг ҳар бирида биттадан сақланади.

9.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолатлар амалдаги қонунчилик тартибида ҳал этилади.

X. Тарафларнинг реквизитлари

“ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ”
“Худудгаз Навоий” ГТФ

Почта манзили: Новоий с/

ИНН коди: 306605769

ОКОНХ коди:

Тўлов учун банк ҳисоб рақами:

Банк номи: 3021000090511396015

МФО: 00435 ИНН 306605769

Телефон:

Бошлик: В.В.Б. Н.С. Гаффаров

Имзо:

М.У.



“ИСТЕЪМОЛЧИ”

Курган Маржабот ўзи

Почта манзили: Курган тўғрисида

ИНН коди: 4000104

ОКОНХ коди: 87200

Банк номи: Маржабот Дана Тўғрисида

40001040192387101204054001

МФО: 00014 ИНН 201150267

Телефон: 99 213 05 85

Раҳбар: М. Насилов

Имзо:

М.У.

